



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Хоразм вилоят статистика
бошарма бошлиғи
Х.Мадаминов
“5” январ 2018 йил

Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими тўғрисида **НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Вилоят статистикаси бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.
2. Бўлим фаолияти хизматлар соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.
3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда Хоразм вилояти статистика бошқармаси Низомга амал қилади.
4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади,
5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарманинг бошқа таркибий бўлинмалари ва ҳудудий статистика органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

хизматлар соҳаси статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича ҳудудий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Хоразм вилоят статистика
бошарма бошлиги
Х.Мадаминов
“5” январ 2018 йил

Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими тўғрисида **НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Вилоят статистикаси бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.
2. Бўлим фаолияти хизматлар соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.
3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда Хоразм вилояти статистика бошқармаси Низомга амал қилади.
4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади,
5. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарманинг бошқа таркибий бўлинмалари ва ҳудудий статистика органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

хизматлар соҳаси статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича ҳудудий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) хизматлар соҳаси статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияга асосида ишни ишлаб чиқариш дастури ташкил этиш соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

ҳудудий статистика органлари томонидан, хизматлар соҳаси статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, хизматлар соҳаси статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва статистик маълумотларни нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этади;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ҳудудий органлар фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

ҳудудий статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

вазирлик ва идораларга хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Хизматлар соҳаси статистикаси бошқарма раҳбарияти билан ҳамкорликда маърузалар, статистик тўпламлар ҳамда хизматлар соҳаси жараёнларини тавсифловчи бошқа статистик маълумотларни тайёрлайди;

хизматлар соҳаси статистикасига оид статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

белгиланган тартибда Бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юрidik ва жисмоний шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг таркиби ва мазмунига оид таклифлар киритиш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид ҳисоботлар шаклларини, танлама кузатув сўровномаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатларига кирадиган масалаларни кенгашда муҳокама қилиш учун маълумотлар тайёрлаш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

9. Бўлим:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси, хоразм вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси буйруқлари ва қарорлари, Хоразм вилоят статистика бошқармаси буйруқлари шунингдек Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, булимнинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Булим ходимларнинг лавозим вазифалари булим бошлиғи тамонидан ишлаб чиқарилади ва бошқарма бошлиғи тамонидан тасдиқланади ва Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими бошлиғи (кейинги ўринларда бўлим бошлиғи деб аталади) тамонидан тасдиқланади.


Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим тамонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бошқарманинг ойлик ҳисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

11. Бўлимга Давлат статистика қўмитаси билан келишилган тарзда Хоразм вилояти статистика бошқармаси бошлиғи тамонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари

Бўлим бошлиғи

Юрист консулт

 А.Рахимов
У.Бардиев
У.Бектурдиев